

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ СТОМАТОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.28.12.2017.Tib.59.01 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ СТОМАТОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

АЛИМОВА ДОНО МИРЖАМОЛОВА

ҚАЙТАЛАНУВЧИ АФТОЗ СТОМАТИТНИ ОЗОН ҚЎЛЛАГАН
ҲОЛДА ДАВОЛАШНИНГ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ

14.00.21 – Стоматология

ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ – 2018

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Content of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD)

Алимова Доно Миржамоловна

Қайталанувчи афтоз стоматитни озон қўллаган
ҳолда даволашнинг самарадорлигини ошириш 3

Алимова Доно Миржамоловна

Повышение эффективности лечения рецидивирующего
афтозного стоматита с применением озона 23

Alimova Dono Mirjamolovna

Increasing the effectiveness of treatment of reccurent
aphthous stomatitis with the use of ozone 43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of pulished works 48

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ СТОМАТОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.28.12.2017.Tib.59.01 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ СТОМАТОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

АЛИМОВА ДОНО МИРЖАМОЛОВА

ҚАЙТАЛАНУВЧИ АФТОЗ СТОМАТИТНИ ОЗОН ҚЎЛЛАГАН
ХОЛДА ДАВОЛАШНИНГ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ

14.00.21 – Стоматология

ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ – 2018

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.2.PhD/Tib217 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат стоматология институтида бажарилган.

Диссертация автореферати икки тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб саҳифасида www.tdsi.uz ва «Ziyonet» ахборот таълим порталида www.ziyonet.uz манзилларига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Камилов Хайдар Пазирович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Min Suk Heo (Жанубий Корея)
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Боймуратов Шухрат Абдужалилович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Орегона университети (АҚШ)

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат стоматология институти ҳузуридаги DSc.28.12.2017.Tib.59.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100047, Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Махтумқули кўчаси, 103. Тел./факс: (+99871) 230-20-65, 230-47-99, e-mail: tdsi2016@mail.ru).

Фаласафа доктори (PhD) диссертацияси билан Тошкент давлат стоматология институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100047, Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Махтумқули кўчаси, 103. Тел./факс: (+99871) 230-20-65, 230-47-99).

Диссертация автореферати 2018 йил «___» _____ куни тарқатилди.
(2018 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Ж.А. Ризаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, доцент

Л.Э. Хасанова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби тиббиёт фанлари доктори, доцент

Х.И. Ирсалиев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси ўринбосари, тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда қайталанувчи афтоз стоматитнинг (ҚАС) эпидемиологик маълумотларидан касалликнинг кенг миқёсда тарқалганлиги, бу касалликнинг учраш даражаси эса 35,0% дан 60% гача ташкил қилади¹. ҚАСнинг этиологияси бугунги кунгача тўлиқ аниқланмаган, мазкур касалликни даволашда қатор мураккабликларни келтириб чиқармоқда, бу эса, ўз навбатида, ҚАСнинг даволаш самарадорлигининг пасайишига олиб келмоқда². Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ)нинг маълумотларига кўра, ҚАСнинг келиб чиқиш сабаблари турлича бўлиб, бунга иқлим ўзгаришлари, овқат ҳазм қилиш тизимининг бузилиши каби кўплаб омиллар боғлиқ бўлиб келмоқда.

Жаҳонда қайталанувчи афтоз стоматитни озон қўллаган ҳолда эрта ташхислаш, комплекс даволаш ва уни олдини олишда профилактик чора тадбирларнинг юқори самарадорлигига эришиш мақсадида қатор илмий-тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Бу борада, қайталанувчи афтоз стоматитни озон қўллаган ҳолда беморларда касалликнинг асосий хусусиятларини асослаш; организмнинг ички аъзоларнинг функционал ва метоболик ўзгаришлари фонида стоматит касаллигини ривожланишнинг сабабларини асослаш; организмнинг функционал тизими фаолиятининг қайталанувчи афтоз стоматитнинг эндоген ва экзоген таъсир хусусиятларини асослаш; беморлар оғиз бўшлиғи суюқлиги ва қонида про-антиоксидант тизими мувозанатини таъминлаш тизимини ишлаб чиқиш; қайталанувчи афтоз стоматитни олдини олиш мақсадида аҳолини скрининг тизимига жалб қилишни такомиллаштириш, касалликни ташхислашнинг оптимал тактикасини танлаш, қайталанувчи афтоз стоматит орқали ривожланадиган оғиз бўшлиғидаги салбий ўзгаришлар сабабларини асослаш; оғиз бўшлиғи ва ичак микробиоценознинг меъёрлашиши даражасини таъминлаш, оғиз бўшлиғи ва қон зардобидидаги носпецифик резистент кўрсаткичлари ва уларнинг динамикасига комплекс озонотерапиянинг таъсир даражасини очиб беришга қартилган даволаш тактикасини ишлаб чиқиш; касалликни ташхислаш ва даволаш, ҳамда ремиссия даврини узайтиришга қаратилган тизимини ишлаб чиқиш, қайталанувчи афтоз стоматитни озон қўллаган ҳолда даволаш самарадорлиги ва аҳолининг ҳаёт сифатини яхшилашга қаратилган тадбирларни такомиллаштириш кабилар алоҳида аҳамият касб этади³.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизими тубдан янгиланди. Касалликларни эрта ташхислаш ва даволашга алоҳида эътибор қаратиш натижасида кенг қамровли дастурий тадбирлар амалга оширилди, жумладан қайталанувчи афтоз стоматитни ўз вақтида аниқлаш ва даволашнинг самарали натижаларини амалга ошириш, касалликларни эрта

¹ ЖССТ нинг маълумоти 2014 йил

² Guallar IB, Soriano YJ, Lozano AC. Treatment of recurrent aphthous stomatitis. A literature review. 2014.

³ Mirowski GW, James WD, Rosengard C. Aphthous stomatitis treatment and management. 2017

4 M. K. AL-Omiri, M. Alhijawi, E. Lynch. Ozone treatment of recurrent aphthous stomatitis. 2016.

ташхислаш натижасида афтоз стоматит касаллигини аниқлашга эришилиш орқали уларнинг патогенетик даволаш мезонлари такомиллаштирилди ҳамда ремиссия даврини узайтиришига эришилди. Шунга қарамасдан, аҳолининг турли қатламлари орасида қайталанувчи афтоз стоматит касаллигини дифференциал ташхислаш, самарали ва сифатли даволашга йўналтирилган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси⁴га мувофиқ аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтаришда муҳим вазифалар, жумладан, қайталанувчи афтоз стоматит касаллигини олдини олиш ва эрта аниқлаш, замонавий технологияларни қўллашни кенгайтириш орқали юқори малакали, сифатли тиббий хизмат кўрсатиш беморларнинг ҳаёт сифатини оширишда муайян аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси»да, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 07 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси туғрисида»ги Фармони, 2017 йил 20-июндаги ПҚ-3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари туғрисида»ги қарорларида ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жаҳон тиббиётида бугунги кунда касаллик ривожланиши ва кечишининг организмдаги бошқа кўпгина аъзолари ва тизимлари (ОИТ, урогенитал инфекция ва б.) билан патогенетик боғлиқлиги ҳақидаги маълумотлар мавжуд. ҚАС ривожланишининг организм ҳимоя тизимининг бузилиши билан чамбарчас боғлиқлиги ҳақида ҳам қатор ишлар қилинган (Борк Конрад, Бургдорф Вальтер ва бошқалар, 2011; Царев В. Н., 2013). ҚАС ривожланишининг этиопатогенетик омиллари сифатида ОБШҚнинг патоген таъсирларга курашувчанлигининг сусайишини кўрсатиш мумкин. ҚАС ошқозон-ичак тракти, иммун ўзгаришлар, эндокрин касалликлар, урогенитал инфекциялар ва бошқа касалликлар билан боғлиқлиги, шу касалликлар натижасида келиб чиқишига катта эътибор берилади. Шу тарздаги замонавий қарашларга асосланиб, ҚАСнинг шаклланиши ва ривожланиши ОБШҚ эрозив-ярали яллиғланишига сабабчи кўпгина омилларга боғлиқ деб айтиш мумкин. Жумладан, етакчи омиллар сифатида ЛПО-АОТ жараёнлари дисбаланси, иммун ўзгаришлари, қон

⁴ 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси

айланиш тизимининг бузилиши оғиз бўшлиғи дисбактериози ва аллергияк ҳолатлар ҳисобланиши (Гализина О. А., 2014; Успенская О. А., 2015; Adler I. Muino A. 2015) каби олимлар томонидан таъкидланган. Аммо ҳозирги кунга қадар бу соҳада олиб борилган ишлар ҚАС ривожланишининг тўлиқ тиббий асосланган манзарасини тақдим этолмайди.

ОБШҚ патологиялари ривожланишида организмнинг бошқа касалликлари ва жараёнларининг сабаб-асорат мутаносиблигига аҳамият берилмаган, беморларга кенг қамровли, айниқса, ошқозон-ичак трактида микробиоцинознинг даражаси ва иммун ҳолатида текширув ўтказилмаган. ҚАСни самарали даволаш усуллари мавжуд эмаслиги туфайли, касаллик пасайишини унинг қайталаниш даражасининг камайишишига эришиш мумкин.

ОБШҚда эндоген инфекция ўчоғининг мавжудлиги иммун ва детоксикацион механизмларнинг маҳаллий етишмовчилигига ҳамда организмнинг умумий реактивлик ҳолатига асосланади. Кўпгина маҳаллий, тизимли метаболик ва иммун ўзгаришларни даволаш мақсадида анъанавий терапия билан бирга касаллик патогенезининг етакчи омилларига таъсир этувчи ҳамда анъанавий терапиянинг самарадорлигини оширувчи токсик аҳамияти паст бўлган воситаларни қўллаш муҳим деб топилдики, улардан бири озонотерапиядир (A.Bertolotti, A.Izzo ва бошқалар, 2013, Н.О. Kazancioglu ва бошқалар, 2014, Vidhya K. ва бошқалар 2015, М.К. Al-Omiri ва бошқалар, 2015, R.Tet Jaisri ва бошқалар, 2017).

Мамлакатимизда истиқомат қилаётган аҳолининг турли қатламлари қайталанувчи афтоз стоматит касаллигини ташхислаш, профилактикаси ва даволаш усулларини ўрганишга бағишланган ишларнинг кўплигига қарамай, мазкур патологиянинг ўсиб бораётганлиги сақланиб қолмоқда. Шу сабабли янги патогенетик механизмларни аниқлаш орқали қайталанувчи афтоз стоматит касаллигини самарали даволаш усулларини ишлаб чиқиш зарурлигини кўрсатади. Бу касаликларни даволашда озонотерапия самарадорлигини ошириш учун чуқур ўрганиш зарурлигини тақозо этади.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат стоматология институтида, стоматология ва юз жағ жаррохлиги илмий текшириш марказида № 011400196 рақамли «Ташқи муҳит омилларнинг таъсирини эътиборга олган ҳолда асосий стоматологик касалликларни эрта ташхислаш, даволаш ва олдини олиш усуллари ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш» (2011-2016 йй) илмий-тадқиқот ишлари режасига асосан бажарилди.

Тадқиқотнинг мақсади қайталанувчи афтоз стоматитни озонотерапия асосида даволаш тартибини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

беморлар оғиз бўшлиғи суяқлиги ва қон зардобиди про-антиоксидант тизими мувозанатини даволаш динамикасида баҳолаш;

ҚАСли беморларнинг оғиз бўшлиғи ва ичак микробиоценозининг меъёрлашувида озонотерапияни самарадорлигини аниқлаш;

ҚАСли беморларнинг оғиз бўшлиғи ва қон зардобидаги носпециффик резистент кўрсаткичларини аниқлаш ва уларнинг комплекс озонотерапия жараёнида динамикасини аниқлаш;

озонотерапия билан комплекс даволашдан олдин ва кейин ОБШҚ зарарланган оғиз шиллиқ парда ўчоқлардаги микроциркуляция кўрсаткичларини аниқлаш;

ҚАСнинг оғирлик даражаларидаги клиник кўрсаткичларини озонотерапия қўллашдан аввал ва кейинги ўзгаришларни асослаш;

клиник-лаборатор тадқиқотлар натижалари асосида афтоз стоматитни маҳаллий ва инфузион озонотерапия қўллаб комплекс даволаш алгоритминини ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида 2010-2016 йилларда Тошкент давлат стоматология институти терапевтик стоматология клиникасида амбулатор даволанаётган 20-69 ёшдаги 116 нафар қайталанувчан афтоз стоматит билан оғриган беморлар олинган.

Тадқиқотнинг предмети қайталанувчан афтоз стоматит билан оғриган беморлар оғиз бўшлиғининг шиллиқ қавати ва зараланган соҳалари, оғиз бўшлиғи суяклиги, қон зардоби ва нажас натижаларни баҳолаш материаллари олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотни бажаришда клиник, биокимёвий, микробиологик, иммунологик, лазер доплерофлуометрияси ва статистик таҳлил усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

турли оғирликдаги қайталанувчи афтоз стоматитда оғиз бўшлиғи ва қон зардобидаги липидларнинг перикисли оксидланиши ҳамда антиоксидант тизими компонентлари ўртасидаги ўзаро боғлиқлиги кўп омилли комплекс таҳлилини ўтказиш орқали даволаш тартибига ижобий таъсири исботланган;

қайталанувчи афтоз стоматитни комплекс даволашда маҳаллий ва тизимли озонотерапиянинг киритилиши ҚАС эрозив-яралли зарарланган соҳаларда қон оқими модуляциясининг фаол механизмлари ошиши ва пасив механизмларининг пасайишига, микроциркуляциянинг яхшиланиши оғиз бўшлиғи шиллиқ қавати репаратив жараёнларининг тезлашишига олиб келиши исботланган;

қайталанувчи афтоз стоматитни комплекс озонотерапия ёрдамида оғиз бўшлиғи ва ичак микробиоценозининг меъёрлашишига ҳамда даволашнинг ремиссия даврини узайтиришига ҳамда узоқ муддатли даво натижаларининг самарадорлигини оширишга асосланган;

озонотерапия қўлланиши туфайли оғиз бўшлиғи носпециффик омилларининг кучайиши, нейтрофил лейкоцитлар фагоцитар фаоллигининг ошиши, лизоцим фаоллиги ва sIgA концентрацияси ошиши билан намоён бўлиши исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

маҳаллий озонланган физиологик эритма, озонланган қовоқ мойидан аппликация, эрозив-яралли зарарланган элементлар атрофига озон-кислород аралашмалари инъекция, ҳамда озонланган физиологик эритма инфузияларини

қўллаш ҚАС клиник кечишининг оғирлигига қараб даволаш схемаси ишлаб чиқилган;

қайтланувчи афтоз стоматитни келиб чиқиш сабаблари ва касалликни ташхислашда, иммунологик тадқиқотлар натижалари, оғиз бўшлиғи ва ичак микробиоценози ҳолати ва ОБШҚ микроциркуляцияси кўрсаткичлари билан тасдиқланган;

озонтерапияни қўллаб антибактериал воситалардан фойдаланиш ҳажмини камайтириш мумкинлиги, бу ҚАС даволаш сифати ва самарадорлигини ошириши, даволаш муддатини қисқартириши ҳамда ремиссия даврини узайтириши имконини бериши асосланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган тадқиқотларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, етарли даражада беморлар танланганлиги, қўлланилган усулларнинг замонавийлиги, уларга бири иккинчисини тўлдирадиган клиник, иммунологик, биокимёвий, микробиологик, лазер доплерофлуометрия усуллар ёрдамида текширув усулларини олиб борилганлиги, аҳолини турли қатламлари орасида қайтланувчи афтоз стоматит касаллигини ташхислаш ва даволаш такомиллаштиришда статистик усуллардан фойдаланилганлиги, касалликнинг ўзига хос кечишини баҳолашда хусусиятли қонуниятлари асосида турли усулларни қўлланилгани, хулоса ва олинган натижаларнинг хорижий ва маҳаллий тадқиқот натижалари билан солиштирилиб, ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани билан асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти олинган натижалар ҚАСнинг ривожланиш патогенезида, тизимли ва локал патогенез механизмларида ўзаро алоқада экани ҳамда бир-бирини тақозо қилиши ҳақидаги маълумотларни олиш имконини кенгайтиргани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ЛПО-АОТ тизими, ҚАС жадаллашиш даврида организм носпецифик резистентлиги кўрсаткичлари, оғиз бўшлиғи ва ичак микробиоценози ҳолати ҳамда ОБШҚда эрозив-ярали элементлар ўчоғи микроциркуляцияси бузилиши ҳақидаги аниқланган ўзгаришлар касаллик ҳолатини ташхислаш учун асос бўлгани, бу эса даволаш усулини танлаш, самарадорлигини холис баҳолаш имконини берганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Қайталанувчи афтоз стоматитни озон қўллаган ҳолда даволаш самарадорлигини ошириш бўйича олинган натижалар асосида:

«Қайталанувчи афтоз стоматитни комплекс даволашда тиббий озон қўлланиши» услубий қўлланмаси соғлиқни сақлаш амалиётига жорий қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2016 йил 22 январдаги 8н-д\79-сон маълумотномаси). Мазкур услубий қўлланма қайталанувчи афтоз стоматит касаллиги сабабларини эрта ташхислаш, аниқлаш ва касалликни даволашда озон тепариядан фойдаланиш ва касалликни қайталаниши ҳолатларини камаяйишига имкон берган;

қайталанувчи афтоз стоматитни озон қўллаган ҳолда даволаш самарадорлигини ошириш бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Тошкент давлат стоматология институти клиникасининг терапевтик стоматология бўлимига, Тошкент тиббиёт академияси 3-клиникаси ҳамда Тошкент шаҳар стоматологик поликлиникаларининг клиник амалиётига жорий қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2017 йил 11 декабрдаги 8н-з\52-сон маълумотномаси). Олинган тадқиқотларнинг клиник амалиётга жорий қилиниши натижасида аҳолининг турли қатламлари орасида қайталанувчи афтоз стоматитни даволаш муддатларини 2-3 кунга камайиши ва касалликни қайталаниш жараёнлари 0,74 ҳолатни ташкил қилиб, касалликнинг бартараф этилиши 2 ой 26 кунга узайган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 8 илмий-амалий анжуманларда, жумладан 4 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 20 та илмий иш, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 8 та мақола, жумладан, 7 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. Диссертациянинг ҳажми 118 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, мақсад ва вазифалари, объект ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий-амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Қайталанувчи афтоз стоматитнинг этиопатогенези ва уни даволашга оид замонавий қарашлар»** деб номланган биринчи бобида адабиётларнинг мушоҳадаси келтирилган. Адабиётларнинг мушоҳадасида қайталанувчи афтоз стоматит клиникаси ва этиопатогенези, патогенетик терапияга ёндашувларнинг замонавий мезонлари, шунингдек, озоннинг физик-кимёвий тавсифи ва озонотерапиянинг даволашда таъсир механизмлари, унинг стоматологиядаги самарадорлиги кўрсатилган. Амалдаги таххислаш, даволаш ва профилактика усулларнинг афзалликлари ва камчиликлари таҳлил қилинган, шунингдек, мазкур муаммонинг ўз ечимини топмаган ҳамда ечими топилиши лозим бўлган аспектлари белгиланган.

Диссертациянинг «Қайталанувчи афтоз стоматитнинг ташхислаш ва даволаш материаллари ва усуллари» деб номланган иккинчи бобида Тошкент Давлат стоматология институти терапевтик стоматология клиникаси ва кафедрасида ўтказилган тадқиқотларнинг умумий тавсифномаси берилган. Бунда оғиз бўшлиғини чайиш учун экспериментал асосланган ҳолда озонланган физиологик эритмани оптимал концентрацияси кўрсатилган.

Ишда беморларнинг умумий аҳволи, афтлар сони, кирралари, туби ва ўлчамлари, оғриқлик даражасини ҳисобга олган ҳолда Х.П.Камилов ва У.А.Шукурова (2008) томонидан таклиф этилган қайталувчи афтоз стоматитларнинг клиник шакллари таснифидан фойдаланилди. Қайталувчи афтоз стоматитларнинг турлича оғирликдаги ҳолатига мослаштирилган ҳолда даволаш алгоритми ишлаб чиқилган (1-жадвал).

1-жадвал

ҚАСнинг турли оғирлик даражасидаги кечишида беморларни даволаш алгоритми

№	Даволаш	ҚАСнинг оғирлилик даражаси		
		Енгил	Ўрта	Оғир
1	Озонланган физиологик эритма билан кунига 3-4 марта оғиз бўшлиғини антисептик чайиш	3-4 кун	5-9 кун	>10 кун
2	Эрозив-яралли соҳаларга озонланган қовоқ мойидан аппликациялар қўйиш	3-4 кун	5-9 кун	>10 кун
3	Эрозив-яра соҳалари асосининг атрофига озон-кислород аралашмаси дан 1,0 мл инъекция орқали юбориш	3-4 кун	5-9 кун	>10 кун
4	Венага 1 мг/л озон концентрациясида томчилаб кунора 400,0 мл инфузион озонотерапия ўтказиш	2-3 инфузия	4-5 инфузия	>6 инфузия
5	Гастроэнтеролог тавсиясига биноан ичак микробиоценозини коррекцияси	10-12 кун	1 ойгача	1 ой, курсни ҳар 3 ойда қайтариш
6	Кунига 1 марта 1 таблеткадан лоратадин билан десенсибилизация терапияси	5-6 кун	10 кунгача	>10 кун
7	Ҳимоя омилларининг носпецифик ҳолатига қараб иммуномодулятор терапия	1 ой	1-2 ой	1 ой, ҳар 3-4 ойда профилактик курслар

Даволаш натижаларини қиёслаш учун беморлар 3 гуруҳга ажратилди:

1-таққослаш гуруҳида (37 бемор) анъанавий даво курси ўтказилди, 0,05% хлоргексидин биглюконат эритмаси билан оғиз бўшлиғига антисептик ишлов берилди, маҳаллий – метрогил-дента пастасидан аппликациялар, иммуномодулятор сифатида Имудон берилди.

2-асосий гуруҳ (39 нафар) даги беморларда озонланган физиологик эритмасининг антисептик ишлови ўтказилди, озонланган қовоқ мойидан аппликация қилинди ва озон-кислородли аралашмани эрозив-яралли зарарланган соҳалар атрофига инъекцион усулда юборилди.

3-асосий гуруҳ (40 нафар) беморларга озонланган физиологик эритмасининг антисептик ишлови ўтказилди, озонланган қовоқ мойидан аппликация қилинди ва озон-кислородли аралашмани эрозив-яралли зарарланган соҳалар атрофига инъекцион усулда юборилди ҳамда инфузион озонланган физиологик эритма вена ичига юборилди.

Таққослаш гуруҳидаги беморлар ёши, жинси, йўлдош касалликлари, ҚАСнинг характери хусусиятлари, рецидивлар частотаси ва давомийлиги, ҳамда ҚАСни клиник кечишининг оғирлик даражаси билан фарқланди.

Физиологик эритмани озонлаш учун «Озонатор 1М» тиббий озонатор ускунасидан фойдаланилди. Озон концентрацияси 3 мг/л бўлган озонланган кислородни инъекцион шприцга 1,0 мл ҳажмда олиб эрозив-яралли соҳа атрофига юборилди. Бир муолажа учун 1,0 мг/л миқдордаги инфузион озонотерапия 400,0 мл ҳажмидаги физиологик эритма билан амалга оширилди.

2-жадвал

Тадқиқотга киритилган беморлар гуруҳларининг тавсифи

№	Кўрсаткичлар	Гуруҳлар		
		1-таққослаш гуруҳи (n=37)	2-асосий гуруҳ (n=39)	3-асосий гуруҳ (n=40)
1.	ҚАСнинг кечиш ҳолати:			
	Енгил	8	9	9
	Ўрта	26	27	27
	Оғир	3	3	4
2.	УОИ гуруҳда	1,72±0,10	1,74±0,10	1,70±0,10

ҚАС даволаш самарадорлигини клиник баҳолаш ишлари иккинчи ва тўртинчи суткада ўтказилди ва қуйидагича баҳоланди:

«яхши» – ҚАС қайталаниши барча клиник симптомларининг тўрт суткада тўлиқ йўқолиши; «қониқарли» – ярачаларнинг тўрт суткадан ортиқ сақланиб қолган ҳолда қайталаниш симптомларининг ўткир ҳолатини камайиши; натижанинг «натижасиз» – клиник симптоматиканинг ижобий динамикаси кузатилмагани; «ёмонлашуви» – касаллик клиник симптомларида салбий динамика кузатилиши.

Микрофлора текширувида ҳар бир биотоп меъёрий кўрсаткичининг миқдори ва ўзаро муносабати, шунингдек, шартли-патоген ва патоген микроорганизмларнинг мавжудлиги ҳамда миқдори ҳисобга олинди. Дисбактериознинг тизимлаштирилиши Ефимович, Рабинович ва ҳаммуаллифлари (1996) нинг схемаси бўйича ўтказилди: дисбиотик силжиш, I–II-даражадаги дисбактериоз, III-даражадаги дисбактериоз, IV даражадаги дисбактериоз. Микрофлора таркибига кўра оғиз бўшлиғи ва ичак колонизацияси баҳоланди.

Оғиз бўшлиғи суюқлиги ва нажасда меъёрий ценоз, шартли ва патоген микрофлора кўрсаткичларининг миқдорий таркиби аниқланди, бу оғиз бўшлиғи ва ичак дисбиотик ўзгаришларини баҳолаш имконини берди. Натижалар таҳлил қилинаётган материалнинг Ig КОЕ/мл да ифодаланди.

Липидлар перекисли оксидланиш даражасини ва антиоксидант тизим фаоллигини малон диальдегиди (МДА) ва супероксидисмутаза (СОД) фаоллиги даражаси орқали спектрофотометрик усулларда амалга оширилди (Андреева Л. П. ва ҳаммуал., 1988; Дубинина Б. Б. ва ҳаммуал., 1983). Эркин радикалли оксидланиш ва антиоксидант ҳимоя ҳолатини баҳолашда МДА/СОД•1000 коэффицентидан фойдаланилди (Киченко Е. М., 2004). Ўрганилаётган биологик суюқликларнинг антиперекис фаоллиги (АПФ) хемилюминесцент усули билан аниқланди (Коган А. Х. ва ҳаммуал., 1996).

IgA миқдорини радиал иммунодиффузия (РИД) усули орқали аниқланди ва натижа г/л кўрсаткичи билан белгиланди (Манчини О., 1965); лизоцим фаоллиги (Liz) – фотонейфелометрик усули ёрдамида аниқланди, натижаси % да ифодаланди (С.В.Восточный ва ҳаммуал., 1989); нейтрофилларнинг фагоцитар фаоллиги М. А. Темирбаев (1989) усулида баҳоланди ҳамда натижалар % да кўрсатиб берилди.

Оғиз шиллиқ пардасининг тўқима қон оқими текшируви ЛАКК-01 (НПП «Лазма», Россия) лазерли доплер флуометри ёрдамида ўтказилди. Ўлчовлар яраланган соҳанинг бевосита яқинидан ҳамда шиллиқ қаватнинг симметрик томондаги клиник ўзгармаган соҳасидан олинган ва бунда ЛДФ стандарт статистик кўрсаткичлари назарда тутилган.


Маълумотлар Microsoft Excel дастури ёрдамида статистик таҳлил қилинган. Гуруҳлараро фаркланиш якка Стюдент t-мезони ёрдамида баҳоланди. Кўрсаткичларнинг фарқи $P < 0,05$ да аниқ деб ҳисобланди. Қарама-қарши намуналари билан жуфт ҳолда боғланган вариантлар орасидаги муносабат корреляция коэффицентлари орқали ҳисобланган.

Ўрганилаётган кўрсаткичларда даволаш самарадорлигининг қиёсий баҳоси Байес формуласи бўйича амалга оширилди: $(P_1 - P_2 / P_1 + P_2) 100\%$. Бунда P_1 ва P_2 – таққослаш гуруҳида даволашдан кейинги ўрганилаётган кўрсаткичларнинг миқдори. ҚАСли беморлар гуруҳига умум қабул қилинган терапия олганлар танланган.

Диссертациянинг **«Озонли эритманинг антибактериал самарадорлиги ҳамда даволашнинг клиник самарадорлигини баҳолаш»** деб номланган учинчи бобида озонланган эритманинг антибактериал самарадорлиги ҳамда даволашнинг клиник самарадорлигини баҳоланиши кўрсатилган. Озонланган эритмаларни кўпгина афзалликларига қарамасдан, уни оғиз бўшлиғи микробиоцинози ўзаро алоқалари белгиларига ва уни самарадорлик даражасига таъсири антисептик модда сифатида қўлланилиши ҳақида маълумотлар кам.

Озонланган эритманинг турли концентрациясининг *in vitro* шароитида бактериоцид таъсирининг самарадорлигини солиштириб баҳолаш натижасида, тилла ранг стафилококк экмасига 300-350 мкг/л концентрацияли озонлаштирилган эритманинг 5 дақиқали инкубацияси натижасида уни

таркибини 82,75% пасайишига ($P < 0,01$); унинг миқдорини 82,75% гача ($P < 0,01$); гемолитик стафилококк - 83,0%га ($P < 0,001$) ва ичак таёқчалари 82,0%га ($P < 0,01$) пасайишини кўрсатди. 700-750 мкг/л концентрацияда пасайиш нисбатан 93,8% ($P < 0,01$); 85,0% ($P < 0,01$) ва 84,96% ($P < 0,01$) ҳамда 1500-1800 мкг/л концентрацияда - 97,04% ($P < 0,01$), 92,56% ($P < 0,01$) ва 99,75% ($P < 0,01$) ташкил этди. Шунинг таъкидлашимиз жоизки, хлорогексидин билглюканат эритма билан тест микроорганизмларининг инкубацияланиши сезиларсиз пасайишини кўрсатди, бунда тилла ранг стафилококклар концентрациясини 67,2%га пасайиши ($P < 0,01$); гемолитик стрептококк 61,6%га пасайиши ($P < 0,01$) ва ичак таёқчаларини 48,6% гача пасайиши кузатилди ($P < 0,01$). Бунда тест микроорганизмларни концентрацияси хлорогексин билан инкубацияланишидан кейин озон билан инкубация қилингандаги кўрсаткичлардан ишончли паст ($P < 0,01$) натижа олинганлиги аниқланди. Шундай қилиб тадқиқотдан олинган натижаларини таҳлил қилганда шунинг кўрсатдики, 1500-1800 мкг/л концентрацияли озонланган эритмани қўллаш хлорогексидин билглюканат эритмасига нисбатан аниқ бактериологик самарасини кўрсатди (1-расм).




1-расм. Турли концентрациядаги озонланган эритмаларда 5 дақиқа инкубация шароитида тест-микроорганизмлар концентрациясининг динамикаси (физиологик эритмага нисбатан % ҳисобида).

Даволаш натижалари юқори самарадорлигини ўткир яллиғланиш ҳолатларининг камайгани, ОБШҚ зарарланган соҳаларида оғриқнинг пасайгани, ачишиш ва дискомфорт ҳиссининг пасайгани билан тасдиқланди. Беморларнинг оғиз бўшлиғида субъектив ҳиссиётлар яхшилангани кузатилган, яъни овқат ейиш осонлашган, оғриқлар камайган ёки йўқолган. Умумий ҳолат анча яхшиланган, тана ҳарорати пасайган, ишга лаёқатлиликл тикланган. Текширувлар давомида эрозив-яралли зарарланган соҳаларнинг

қисқаргани, элементларнинг тозалангани, янги грануляциялар пайдо бўлгани аниқланди.

Демак, ҚАС комплекс терапиясига озонтерапиянинг киритилиши анъанавий даволашга нисбатан самарадорлигини оширган, бунда энг юқори клиник самара комплекс терапияга ИФО (3 гуруҳ) киритилишида кузатилган.

Кузатувларнинг 2 чи ва 4 чи кунларида ўрганилган клиник белгиларни пасайишининг максимал самарадорлиги 3 чи асосий гуруҳда, минимал самарадорлик эса 1 чи таққословчи гуруҳда рўйхатга олинган (2-расм).



2-расм. Даволашнинг 4 чи кунда ҚАСни оғирлик даражасини баллар билан таққослаб баҳолаш (даволашгача нисбатан % ҳисобида).

Шуни таъкидлаш жоизки, тадқиқотнинг барча даврида ҚАСнинг клиник белгиларининг кўпгина оғирлик даражаси 2 асосий гуруҳда 1 назорат гуруҳига ($P < 0,01$) нисбатан паст бўлди; 3 гуруҳда эса балларни баҳоланиши 1 назорат гуруҳида ҳамда 2 асосий гуруҳдаги кўрсаткичларига ($P < 0,05$) нисбатан паст бўлди.

Шу тариқа даволашнинг 4-кунига келиб, 3-асосий гуруҳдаги беморларда клиник соғайиш $64,36 \pm 9,05\%$ ни ташкил этди, таққослаш гуруҳининг худди шу кўрсаткичидан деярли 2 маротабага ортиқ бўлди: $33,33 \pm 9,07\%$ ($P < 0,01$); 2-асосий гуруҳ беморларининг клиник соғайиши таққослаш гуруҳи кўрсаткичларидан $50,0 \pm 9,8\%$ га юқори бўлди, бироқ аниқ фарқланишлар мавжуд бўлмаган бўлса-да ($P_1 > 0,05$ ва $P_2 > 0,05$), 3-асосий гуруҳнинг айти шундай кўрсаткичларидан паст бўлди.

Гуруҳлараро умумий оғирлик индекси (УОИ) кўрсаткичларининг қийёсланиши озонтерапиянинг юқори самарадорлигини кўрсатди, энг фарқли кўрсаткичлар 3-асосий гуруҳда бўлди (3-жадвал). 1-таққослаш гуруҳида ўртача даволаш давомийлиги $6,96 \pm 0,29$ кун; 2- ва 3-асосий гуруҳда эса $5,50 \pm 0,25$ ва $4,75 \pm 0,23$ кунни ташкил этди.

1-таққослаш гуруҳида ҚАСнинг базис терапияси самарадорлиги 20 (55,56%) беморда қониқарли деб топилди. Комплекс терапияга озонотерапиянинг киритилиши тезкор ижобий натижаларнинг миқдорини оширади. Шу тариқа даволаш натижалари 2-асосий гуруҳда 17 (46,15%) нафар беморда қониқарли бўлди; 3 (3,85%) нафар бемор даволаш натижасини салбий, 19 (50%) нафар бемор даволаш натижаларини ижобий деб баҳолади. 3-гуруҳда салбий даволаш натижалари кузатилмади, балки 27 (64,36%) нафар беморда даволаш самарадорлиги ижобий, 13 (37,29%) нафар беморда қониқарли деб баҳоланди.

3-жадвал

Озонотерапия қўллашнинг 4- кунда даволашнинг клиник самарадорлиги

Гуруҳлар	Беморлар сони	Даволаш натижалари			
		Клиник соғайиш УОИ - 0	Аҳамиятли яхшиланиш УОИ-0,5-1,0	Яхшиланиш УОИ-1,1-2,0	Натижасиз УОИ – 2,1-3,0
1-таққослаш гуруҳи, n=37	$\frac{37}{100,0}$	$\frac{11}{33,33 \pm 9,07}$	$\frac{20}{55,56 \pm 9,74}$	$\frac{4}{7,41 \pm 5,14}$	$\frac{2}{3,70 \pm 3,70}$
2-асосий гуруҳ Озонотерапия n=39	$\frac{39}{100,0}$	$\frac{19}{50,0 \pm 9,81}$	$\frac{17}{46,15 \pm 9,42}$	$\frac{3}{3,85 \pm 3,77}$	$\frac{-}{-}$
2-асосий гуруҳ Озонотерапия + озон инфузияси, n=40	$\frac{40}{100,0}$	$\frac{27}{64,36 \pm 9,05}$	$\frac{13}{37,29 \pm 9,14}$	$\frac{-}{-}$	$\frac{-}{-}$

Изох: касрнинг тепаси – беморлар сони, каср чизиғи пасти – гуруҳдаги беморларнинг % ҳисобидаги сони.

Озонотерапиянинг узоқ муддатли клиник натижалари жадвалда келтирилган. 4-жадвалдан кўриниб турибдики, таҳлил қилинаётган барча тавсифлар бўйича 3-асосий гуруҳда энг юқори ижобий натижа кузатилган, яъни таққослаш гуруҳига нисбатан қайталаниш даражаси 2-асосий гуруҳда 1,12 мартага, 3-гуруҳда 1,45 мартага пасайган. Йил давомидаги кузатувлар қайталаниш ҳолати 1 беморга 1-гуруҳда $1,7 \pm 0,10$; ва 2- ва 3-асосий гуруҳда, мос равишда, $1,38 \pm 0,14$ ($P < 0,01$) ва $0,96 \pm 0,05$ ($P < 0,001$)ни ташкил этди. Қайталанишларнинг ўртача давомийлиги қиёсий гуруҳда $5,86 \pm 0,15$ кундан $4,85 \pm 0,20$ ($P < 0,001$) кунгача, 2- ва 3-асосий гуруҳда эса $3,92 \pm 0,10$ ($P < 0,01$) кунгача пасайиши кузатилди; ремиссиянинг узайиш кўрсаткичи $3,85 \pm 0,16$; $5,08 \pm 0,25$ ($P < 0,01$) ва $6,15 \pm 0,17$ ($P < 0,01$)ни ташкил этди.

Озонотерапиянинг қўлланиши туфайли қайталанишларнинг оғир кечишида аҳамиятли пасайишлар кузатилди: 1-таққослаш гуруҳида қайталаниш УОИ $1,56 \pm 0,10$ баллга тенг бўлди, 2- ва 3-асосий гуруҳда, мос равишда, $1,38 \pm 0,10$ ва $0,92 \pm 0,05$ ($P < 0,01$) баллга тенг бўлди.

Шу тариқа ҚАСни озонтерапиянинг комплекс қўлланиши касаллик кечишига ижобий таъсир этди. Инфузион терапияли якка даволашда ҳам, комплекс даволашда ҳам асоратлар, ножўя таъсирлар ёки нохуш ҳолатлар кузатилмади. Негаки озонтерапия умумий ҳолатни яхшилади, оғриқли ҳисларни аҳамиятли камайтиради, репаратив жараёнларни фаоллаштиради.

4-жадвал

Озонтерапиянинг узок муддатли натижалари

Кўрсаткичлар	Гуруҳлар		
	1 таққослаш гуруҳи	2 асосий гуруҳ	3 асосий гуруҳ
Қайталаниш даражаси (гуруҳдаги беморлар сони % ҳисобида)	77,78±8,0	69,25±0,05	13,57±9,42***^^^
1 беморда қайталаниш миқдори	1,70±0,10	1,38±0,14	0,96±0,05***^^
Қайталанишнинг давомийлиги	5,86±0,15	4,85±0,20***	3,92±0,10***^^^
Ремиссиянинг давомийлиги (ой)	3,85±0,16	5,08±0,25***	6,15±0,17***^^^
Қайталанишнинг оғирлиги (УОИ)	1,56±0,10	1,38±0,10	0,92±0,05***^^^


Изоҳ: фарқлар 1 гуруҳи кўрсаткичларига нисбатан аҳимиятли (** - $P<0,01$, *** - $P<0,001$), фарқлар 2 гуруҳи кўрсаткичларига нисбатан аҳимиятли (^^ - $P<0,01$, ^^ - $P<0,001$)

Озон қўлланиши антибактериал воситаларнинг ўрнини босади, қолаверса, антисептик ва эпителизацияни тезлаштирувчи воситалар қўллашнинг мунтазамлашгани, миқдори ва муддатларига бўлган эҳтиёжни аҳимиятли камайтиради.

Диссертациянинг «**Липопериоксидланиш жараёнлари, оғиз бўшлиғи ва ичак микробиоценоз ҳолатининг, носпецифик қаршилиги кўрсаткичларининг даволаш динамикасидаги самарадорлиги**» деб номланган тўртинчи бобида ҚАСни даволаш динамикасида липопероксикация жараёнлари кўрсатилган. Тадқиқот натижалари озонтерапия қўлланганда кучли антиоксидант таъсир бўлишини кўрсатди. Бу ўз навбатида, услубнинг самараси ва ҚАСли беморларда унинг мақсадга мувофиқлигини исботлайди, айниқса, анъанавий даволаш усуллари барқарор бўлган ҳолатларда сезиларли бўлди.

Липопероксикация жараёнларининг табиати ва меъёрлашув даражаси ўтказилган терапия турлари орқали аниқланди.

Оғиз суюқлигидаги ЛПО-АОТ жараёнларининг кўрсаткичларини ўрганишда шуни кўрсатдики, биринчи таққослаш гуруҳида МДА даражаси 21,2% ($P<0,01$)га нисбатан даволанишдан олдин қийматга нисбатан пасайган. СОД 11,74% ($P<0,05$) га ортди, МДА/СОД•1000 коэффицент эса 48,05% ($P<0,01$) га пасайди, АПА эса 28,72% ($P<0,01$) га пасайди; навбати билан 2 чи гуруҳда 32,31% ($P<0,01$), 20,29% ($P<0,05$), 56,58% ($P<0,01$), 37,58% га ($P<0,01$); 3чи гуруҳда эса 64,20% ($P<0,01$), 35,12% ($P<0,01$), 70,70% ($P<0,01$) ва 48,30% га ($P<0,01$).



3-расм. Таққосланаётган гуруҳлардаги ЛПО-АОТ жараёнлари динамикаси (даволашгача бўлган энг юқори кўрсаткичга нисбатан % ҳисобида)

Даволашдан сўнг қонда МДА даражаси 1 гуруҳдаги даволаниш катталигига нисбатан 24,24% ($P<0,05$) га; 2 чида 33,33% га ($P<0,05$) ва учинчида 46,87% га ($P<0,05$) пасайди; МДА/СОД коэффицентидаги мос келадиган пасайиш 40,98% ($P<0,01$); 62,17% ($P<0,01$) и 67,85% га ($P<0,01$); навбати билан АПА 13,8% ($P>0,05$); 26,75% ($P<0,05$) ва 30,80% ($P<0,05$) га тенг эди; СОД фаолияти аксинча 28,62% ($P<0,05$); 47,35% ($P<0,05$) ва 53,82% га ($P<0,05$) ортди (3-расм).

Даволаш динамикасида оғиз бўшлиғи ва ичак микробиоценози. Даволаш бошлангунга қадар иккала ўрганилаётган биотопда (оғиз бўшлиғи ва йўғон ичак)да микробиоценознинг бир типдаги бузилишлари кузатишган, бу ҳолат резидент микрофлора титрларининг аниқ пасайиши ($P<0,05$) ҳамда шартли ва патоген микроорганизмлар миқдори ошишида намоён бўлган.


Ўтказилган тадқиқот натижалари шуни кўрсатдики, озонотерапия қўлланганда меъёрий микрофлоранинг вакиллариининг бир вақтда фаоллашуви билан шартли-патоген ва патоген микроорганизмларнинг камайиши кузатилди.

